



Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 1 (12.562)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Мана шу унутилмас, шукуҳли дамларда сиз, мўътабар отахон ва онахонларни, мунис опа-сингилларимизни, навқирон ўғил-қизларимиз, жажжи болаларимизни – барча-барчангизни қутлуг қадамлар билан юртимизга кириб келаётган янги йил билан чин қалбимдан табриклаб, самимий тилакларимни изҳор этишни ўзим учун катта бахт деб ҳисоблайман.

Байрамона дастурхон атрофида жамулжам бўлиб ўтирган сиз, азизларни бағримга босиб, хонадонларингизга тинчлик, соғлиқ-омонлик ва хурсандчилик, тўкин-сочинлик ёр бўлишини, юртимиз янада обод бўлиб, янада чирой очиб раванқ топишини, барча-барча эзгу ниятларимиз ушалишини тилайман.


Бугунги кунда олдимизда турган буюк мақсадларимизга эришиш, тараққий топган демократик давлатлар қаторига кириш, ҳаётимизни янги босқичга кўтариш йўлида мамлакатимиз кўяётган амалий қадамлар, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдонда обрў-этибори юксалиб бораётгани барчамизга яхши маълум.

Яқинда етаётган 2013 йилнинг айнаи шу йўлда Ватанимиз тараққиётига, иқтисодий-тимизнинг барқарор ривожланишига, эл-юртимиз ҳаёт даражасининг юксалишига салмоқли ҳисса қўшгани, ҳосиятли ва баракали бўлганини шукроналик билан таъкидлашимиз лозим.

Бунинг далили сифатида жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг жиддий таъсирига қарамасдан, кейинги йилларда иқтисодий-тимизнинг ўсиш суръатлари 8 фоиздан зиёдни ташкил этгани ва бундай кўрсаткич дунёда камдан-кам давлатларда кузатилаётгани барчамизга чуқур мамнуният етказди.

Иқтисодий-тимизга жалб қилинаётган кенг кўламли капитал маблағлар ва чет эл инвестицияларининг ҳажми тобора ошиб бораётгани, шунинг ҳисобидан энг замонавий технологияларга асосланган юзлаб корхоналар, транспорт коммуникациялари, минг-минглаб янги уй-жойлар, инфратузилма объектлари барпо этилгани шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда, мамлакатимизнинг салоҳиятини янада ошириб, келажагимиз учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда, десак, айнаи ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўтиб бораётган 2013 йилда аҳолиимизнинг реал даромадлари 15,7 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори 20,8 фоизга ўсгани, инфляция даражаси 6 фоиздан ортагани, бозор ва дўконларимиз расталари тўкин-сочин бўлиб, кўзни қувонтираётгани, нарх-наво меъёрдан ошмагани – буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётганининг



яққол далили ва исботи, десак, янгилашмаган бўламиз.

Янги йилда ҳам айнаи шу сиёсатни изчил давом эттириш асосида аҳолиимизнинг моддий аҳволи янада яхшиланиб, ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори бу рақамлардан кам бўлмайди, деб барчангизни ишонтириб айтишга тўлиқ асосларимиз бор.

Қадрли юртдошлар!

Бугун биз катта орзу-умидлар билан кутиб олаётган янги – 2014 йил ҳақида, барчамизнинг эътиборимиз марказида туриши зарур бўлган вазифалар ҳақида гапирганда, энг аввало, қўлга киритган ютуқларга маҳлиё бўлмасдан, бепарволик кайфиятига берилмасдан, эришган натижаларимизни танқидий баҳолаб, ҳаёт талаблари билан ҳамоҳанг бўлиб, кўзлаган истиқболимизга қадам қўйишимиз нихоятда муҳимдир.

Шу маънода, биринчи навбатда юртимизда тинчлик ва осойишталикни, меҳр-оқибат, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни, қўшниларимиз билан дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, ҳар қандай бало-қазоларни оstonамизга йўлатмаслик, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидек асраш, бунинг учун Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва қудратини оширишга алоҳида аҳамият бериш – бугунги кунда нотинч замоннинг ўзи олдимизга қўяётган долзарб вазифалар қаторида сақланиши зарур.

Биз танлаган ва ўтган давр мобайнида ўзини тўлиқ оқлаган, чуқур ўйланган, жамиятимизни демократлаштириш ва ҳаётимизни эркинлаштиришга қаратилган ислохотларни чуқурлаштириш ва самарасини ошириш сиёсатимизни давом эттириш янги йилда барча дас-турларимиз ва кундалик ҳаракатларимизнинг мақсадларига айланиши керак.

Шу борада замонавий корхоналарни ишга тушириш ҳисобидан иқтисодий-тимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатларини ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш, соғлиқни сақлаш, биз учун муҳим ўрин тутадиган таълим-тарбия соҳасини янги босқичга кўтариш, кенг кўламли бунёдкорлик ишларимизни давом эттириш янги йилда ҳам энг устувор вазифаларимиз бўлиб қолади.

Кириб келаётган 2014 йилнинг юртимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилинганини халқимиз катта мамнуният билан қутиб олгани ва кенг қўллаб-қувватлаётгани бу қарор эл-юртимизнинг олижаноб орзу-интилишларига нақадар ҳамоҳанг эканидан далолат беради.

Ҳақиқатан ҳам, болаларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши, уларнинг бахту-икболини кўриш – ҳар бир ота-она, ҳар қайси оиланинг энг улуғ ва муқаддас орзусидир.

Шу билан бирга, ҳаммамиз яхши тушунамизки, фақатгина жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук, замонавий билимга, ўз фикр ва қарашларига эга бўлган, Ватанимизнинг тақдирини ва келажагини унун масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир бўлган янги авлодимизни камол топтириш – биз кўзлаган обод ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий гарови ва айтиш мумкинки, ҳал қилувчи шарт бўлиб майдонга чиқмоқда.

Айнаи шу ҳақиқатни чуқур англаб, «Соғлом бола йили» деб ном олган 2014 йилда ва келгусида ҳам бу масала, бу вазифа ҳам давлатимиз, ҳам жамиятимиз, барча-барчамизнинг доимо эътиборимиз марказида бўлиши лозим.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Янги йил кириб келишига санокли дақиқалар қолган мана шу ҳаяжонли дамларда барчамиз Яратганимиздан эзгу орзу-мақсадларимизнинг рўёбга чиқишини, хонадонларимизнинг кут-барақаси, файзини беришини чин қалбимиздан сўраймиз.

Кириб келаётган янги йилимиз юртимизга, барча-барча оилаларга бахту саодат ва омад келтирсин!

Ҳар биримизнинг пок ният ва тилакларимиз ижобат бўлсин!

Ватанимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



МАМЛАКАТИМИЗДА

● ЯНГИ, 2014 ЙИЛ КИРИБ КЕЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИГА ҚАТОР ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ВА ҲУКУМАТЛАР, НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА ЕТАКЧИ КОМПАНИЯЛАР РАҲБАРЛАРИ, ЧЕТ ЭЛЛИК ЖАМОАТ АРБОБЛАРИ ТОМОНИДАН ЮРТБОШИМИЗ ВА МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚИГА БАХТ-САОДАТ, ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ТИЛАБ, ЭЗГУ НИЯТЛАРИ ИЗҲОР ЭТИЛГАН САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР КЕЛМОҚДА.

● «Президент арчаси» байрам тадбирлари Тошкент вилоятининг барча шаҳар ва туманларида ҳам юқори савияда ташкил этилди. Тадбирларга Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ички ишлар, муҳофаза тизими, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг фарзандлари таклиф этилди. Уларга давлатимиз раҳбарининг совғалари топширилди.

● Сурхондарё вилоятида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга, 262 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногиронларга Янги йил совғалари топширилди.

● Қарши шаҳридаги «Ерқўрғон» дехқон бозорида янги йил байрами муносабати билан ташкил этилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркасида фермер хўжаликлари томонидан келтирилган 16 турдаги маҳсулотлар арзонлаштирилган нархларда сотилмоқда. 2014 йилнинг 10 январига давом этадиган ярмарка фаолиятдан шаҳар аҳолиси мамнун.

● Янги йил байрами арафасида Жиззах шаҳрида пахта толасидан йилига 7,5 минг тонна ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга «JZZAX KENTES» корхонаси иш бошлади. Масъулияти чекланган жамият шаклидаги ушбу корхона ташкил этишга 26 миллиард 620 миллион сўм маблағ сарфланди.

● Янги йил байрами арафасида Фарғона вилоятининг Риштон туманида янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Фарғона вилояти филиали маблағлари ҳисобидан барпо этилган мазкур мажмуада 500 нафардан зиёд ўғил-қиз спортнинг мини-футбол, волейбол, баскетбол, кураш, оғир атлетика ва гимнастика турлари билан мунтазам шуғулланиш имконига эга.

ЖАҲОНДА

● Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида яшовчи икки ёшли болакай Интернет-лотереядан 6,28 миллион юан (тахминан 1,03 миллион АҚШ долларига тенг маблағ)ни ютиб олди. Гап шундаки, боланинг ота-онаси унга клавиатура орқали ўзи истаган сонлар кетма-кетлигини босишини айтишган. Бола танлаган айнан ўша рақамлар эса оилага энг йирик жек-потта эга бўлиш имкониятини яратган.

● Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан АҚШ ва Буюк Британия олимлари билан биргаликда ўтказилган кенг кўламли тадқиқотлар натижасида маълум бўлишича, қурраи заминда бир кеча-кундузда битта одам томонидан истеъмол қилинадиган ўртача туз миқдори тахминан 10 граммни ташкил этган ва бу ЖССТ томонидан тавсия этиладиган меъёрдан икки баробар кўп қўрсаткичдир. Айтиш керакки, ортқика микдордаги тузни сурункали тарзда истеъмол қилиш баданда сув йиғилиши, қон босимининг ошиши ва юрак қон-томир касалликларининг пайдо бўлишига олиб келади.

Янги йил байрами

БОЛАЛАР ОРЗИҚИБ КУТГАН БАЙРАМ

«Туркистон» саройида «Президент арчаси» тантаналари бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, кам таъминланган, алоҳида эҳтиёжли оилаларнинг фарзандлари таклиф этилди.

Навқирон авлодга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, ёшларга жаҳон андозлари даражасида таълим-тарбия бериш, уларни ҳеч қимдан кам бўлмаган, юксак маънавиятли, соғлом тафаккурли инсонлар этиб камолга етказиш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган изчил ис-

лохотларнинг асосий йўналишини ташкил этади.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар жараёнида тиббий-ижтимоий ҳолати, миллатидан қатъи назар, барча болаларга алоҳида меҳр ва эътибор кўрсатилиб, уларнинг билим олиши, касб-хунар эгаллаши учун зарур шароит ва имкониятлар яратилаётгани Ўзбекистонда ислохотлар, аввало, инсон манфаатлари ва ёш авлод камолоти учун хизмат қилаётганининг ёрқин далилидир. Хусусан, Меҳрибонлик уйларида жорий этилган ижтимоий-тиббий, педагогик, ҳуқуқий кўмак болаларнинг жамиятга интеграциялашуви таъминлаш, уларни ўз ҳаётий позициясига эга, мустақил, теран тафаккурли

инсонлар сифатида вояга етишига хизмат қилмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида оила, васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш, Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларни соғломлаштириш, уларни касб-хунар таълими билан тўлиқ қамраб олишга доир ишлар кўлами янада ортди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси ҳамкорлигида ота-она меҳридан бебаҳра қолган, алоҳида эҳтиёжли болаларга ҳар жиҳатдан кўмак кўрсатиш, уларнинг билим олишга бўлган қизиқиш ва иштиёқини кучайтириш юзасидан кенг кўламли иш-

лар амалга оширилди. Инклюзив таълим янада ривожлантирилиб, ўқитишнинг ушбу тури билан кўплаб мактаблар қамраб олинди. Айнаи пайтда тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда юрак, таянч-ҳаракат аъзолари, лаб-танглай қисмида ҳасталиги бўлган болаларни жарроҳлик йўли билан даволаш, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтказиш, уларга зарур ташхис, тиббий маслаҳат, даволаш муолажаларини кўрсатишга оид бир қатор ижтимоий лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

«Туркистон» саройининг фойсидида Қорқоб ва Қорқиз барча болаларни Янги йил байрамига қорлайди. Кичкин-тойлар турфа чироқлару ўйинчоқлар билан безатилган арча атрофида янги йил, Ватан, бахтли болалик, қиш, байрам шодиёналарига бағишланган шеърлар ай-тиб, қувноқ қуй-қўшиқлар, рақсларга жўр бўлади. Эстрадада ва цирк санъати усталари иштирокидаги концерт дастури болаларнинг қувончига қувонч қўшади.

(Давоми 2-бетда)

«Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан фуқароларимиз поёнига етаётган 2013 йилни қандай баҳолаши, уларнинг ижтимоий кайфиятини аниқлаш мақсадида навбатдаги сўров ўтказилди.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ЎЗ КЕЛАЖАГИГА ҚАТЪИЙ ИШОНАДИ

Сўров Ўзбекистон фуқаролари Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсат, ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли демократик ислохотларни тўла қўллаб-қувватлашни кўрсатди. Юртдошларимиз иқтисодиёт, банк тизимини ривожлантириш соҳасида мамлакатимиз эришган ютуқлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг самарадорлигини ошириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада такомиллаштириш борасида яратилган шарт-шароитларни юқори баҳолайди.

Иштирокчиларнинг фикрича, истиқлол йилларида фуқаролар онгу тафаккурда, маънавияти, ҳаётга муносабатда улкан ўзгаришлар рўй берган. Аксарият қатнашчилар фуқароларнинг қонунга ҳурмати, мазмунли турмуш кечириш ва кундалик ҳаётда учрайдиган муаммоларни ҳуқуқий нормалар асосида ҳал этишга интилиши охири бораётганини қайд этган. Жумладан, 83,6 фоиз юртдошимиз инсон ҳуқуқлари, 82,1 фоиз хотин-қизлар, кексаларга нисбатан ҳурмат ортиб бораётгани, жамиятимизда қарор топган меҳр-оқибат ва бағрикенглик муҳити янада мустаҳкамланаётганини таъкидлаган.

Тадқиқот ўзбекистонликлар ижтимоий кайфиятида эртанги кунга, мамлакатимиз фаровонлиги ва раънақиға қатъий ишонч устунилигини кўрсатди. Кўпчилик иштирокчи (85 фоиздан ортиқ) 2013 йилни муваффақиятли ўтди, деб ҳисоблайди. 88,2 фоизи эса ўз ҳаётини тўла мамнунилигини билдирган. Бу «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларга эришилганидан ёрқин далолатдир.

Сўров қатнашчиларининг фикрича, мамлакатимизда меҳнат қилиш, кас

бий ва ижодий фаолиятни амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлар мавжудлиги қўйилган мақсадларга эришишда муҳим аҳамият касб этган. 2013 йилда кўпчилик фуқароларнинг моддий аҳоли, маиший ва уй-жой шароити сезиларли даражада яхшиланган. 86 фоиздан зиёд иштирокчи оиласи ва ўзининг ижтимоий маънавияти ошганини қайд этган. Сўров иштирокчиларининг 90 фоизга яқини ўз оиласи моддий аҳолини яхши, деб баҳолайди.

Тадқиқот қатнашчилари мамлакатимиз кўлга киритаётган кенг кўламли ютуқлар ҳақида гапирар экан, 2013 йилда Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи янада ортиб, халқаро муносабатлар соҳасида салмоқли муваффақиятларга эришганини алоҳида таъкидлади.

Юртдошларимиз келаси йилги мақсад ва режаларга оид саволларга жавоб берар экан, келажакка қатъий ишонч билан боқишни, 2014 йилнинг давлатимиз раҳбари томонидан Соғлом бола йили, деб эълон қилинганини тўла қўллаб-қувватлашни билдирди. Аксарият иштирокчилар янги – 2014 йил мамлакатимиз учун навбатдаги тўб ўзгаришлар йили бўлиши ва барча соҳаларда катта ютуқларга эришилишига қатъий ишонади. Айни пайтда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этишга тайёр эканини қайд этди.

Мухтасар айтганда, навбатдаги сўров фуқароларимиз янги – 2014 йилни кўтаринки кайфият, келажакка қатъий ишонч билан қўлиб олиш ва Ватанимиз тараққиётини ўз ҳиссасини қўшишга тайёрлигини кўрсатди.

**«Ижтимоий фикр» маркази
материаллари асосида
ЎЗА мухбири Сардор ТОЖИЕВ
тайёрлади**



БОЛАЛАР ОРЗИҚИБ КУТГАН БАЙРАМ

(Давоми. Боши 1-бетда)

– «Президент арчаси» тантаналари барча болалар орзиқиб кутадиган энг сеvimли байрам, – дейди Чилонзор туманидаги 22-Меҳрибонлик уйи директорининг ўринбосари Хурсаной Холова. – Меҳрибонлик уйимизда болаларнинг ҳар жиҳатдан соғлом бўлиб воғға етиши учун барча зарур шароит яратилган. Булар Президентимиз томонидан ёш авлод истиқболи йўлида кўрсатилаётган улкан меҳр ва ғамхўрликнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

– Байрамда мазза қилиб ўйнадик, қўшиқлар айтдик, – дейди Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги 24-Меҳрибонлик уйининг тарбияланувчиси Сардор Зайнидинов. – Эртаклар қаҳрамонлари

билан расмга тушдик, Қорбободан совғалар олдик. Президентимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги биз учун энг қадрили совғадир.

Жўшқин мусиқа садолари остида болалар залга таклиф этилди. Жажжи томошабинлар эътиборига ватанпарварлик, аҳиллик, дўстлик, меҳнатсеварлик, ҳалолликни тараннум этувчи «Меҳроли дунё» театрлаштирилган томоша ҳавола қилинди.

Болаларга Президентимизнинг Янги йил совғалари топширилди. Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

**Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири
Сарвар Ўрмонов (ЎЗА) олган
суратлар**



Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2014 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджетни тўғрисида»ги ҚҚ-399-II-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетни параметрлари тўғрисида»ги ҚҚ-2099-сон қарори, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда;) 25-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетни параметрлари тўғрисида»ги ҚҚ-2099-сон қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Қўйилди:

Тошкент шаҳрининг 2014 йилги маҳаллий бюджетни асосий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

Туманлар ва шаҳар маҳаллий бюджетларининг 2014 йил даромадлари ва харажатлари, шаҳар маҳаллий бюджетидан туман маҳаллий бюджетларига бериладиган даромадларнинг ҳажми 2-иловага мувофиқ;

Умумдавлат солиқларидан туманлар маҳаллий бюджетларига ажратилган меъёри 3-иловага мувофиқ;

Туманлар ва шаҳар маҳаллий бюджетларининг 2014 йил учун нақд пул касса айланмасининг йўл қўйилган энг кам миқдорлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тошкент шаҳар Молия бoш бошқармасига ўрнатилган тартибда тегишли маҳаллий бюджетларга маблағлар ва бюджет ссудалари (даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса тафовутларини қоплаш учун) ажратишда, уларнинг миқдорларини худудлар бўйича барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушишидан, шунингдек иш хақи (ягона ижтимоий тўлов билан), нафақалар ва уларга тенглаштирилган тўловлар бўйича бюджет харажатларини биринчи навбатда сўзсиз молиялаштирилиши зарурлигидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштириш ҳуқуқи берилсин.

4. Молия бoш бошқармаси (Н.Сабилов): Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг билдиришномасига кўра, бюджетнинг даромад ва харажат қисмига ўзгаришлар киритишга рухсат берилсин.

5. Мазкур қарор ўрнатилган тартибда халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессияси тасдиғига киритилсин.

6. Мазкур қарор «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ф.Зияев зиммасига юклансин.

**Тошкент шаҳар ҳокими
Р.Усманов**

2013 йил 28 декабрь

• Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Toshkent.uz сайтида таништириш мумкин.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарори

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2014 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджетни тўғрисида»ги ҚҚ-399-II-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетни параметрлари тўғрисида»ги ҚҚ-2099-сон қарори, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда;) 25-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетни параметрлари тўғрисида»ги ҚҚ-2099-сон қарорига асосан Тошкент шаҳар ҳокимининг 2013 йил 28 декабрдаги 1051-сон қарори билан қабул қилинган Тошкент шаҳрининг 2014 йилги маҳаллий бюджетни параметри тасдиқлансин.

2. Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2013 йилдаги қўйилган ижроси тўғрисидаги ахборот маълумот учун қабул қилинсин.

3. Тошкент шаҳар ва туман ҳокимларининг қарор ва фармойишлари билан 2013 йил давомида маҳаллий бюджетга киритилган ўзгаришлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган тақдирномалар тасдиқлансин.

4. Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2012 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботга кўра, бюджетнинг даромад қисми 1 206 914,1 (бир триллион икки юз олти миллиард тўққиз юз ўн тўрт миллион бир юз минг) млн. сўмга, харажат қисми 1 056 360,9 (бир триллион эллик олти миллион дўрт юз олти милярд тўққиз юз минг) млн.сўмга ижро этилгани, яъни даромадлар харажатлардан 150 553,2 (бир юз эллик миллион беш юз

эллик уч миллион икки юз минг) млн.сўмга кўп тушганлиги инобатга олинсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокими (Р.Усманов):

Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари бюджет даромадлари ва харажатларининг тасдиқланган кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрсин, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. «ТошБoшПлaнЛИТИ» институти, Архитектура ва қурилиш бoш бошқармаси билан биргаликда, бир ҳафта муддатда ер солиғи тўлови ставкалари бўйича зоналар чегараларининг схемасини тасдиқлаш учун Тошкент шаҳар ҳокимлигига киритилсин.

7. Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бoшқармаси бир ҳафта муддатда, чегараларининг схемаси асосида ер солиғи тўлови ставкалари бўйича зоналарнинг тавсифларини тасдиқлаш учун Тошкент шаҳар ҳокимлигига киритилсин.

8. Тегишли бoшқарма, муассаса ва ташкилотлар ўзларининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирилсин.

9. Тошкент шаҳар Молия бoш бошқармасига белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг билдиришномасига кўра, бюджетнинг даромад ва харажат қисмига ўзгаришлар киритилишига рухсат берилсин.

10. Ушбу қарор ижросининг назорати халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси
Р.Усманов**

2013 йил 28 декабрь

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарори

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА 2014 ЙИЛ УЧУН МАҲАЛЛИЙ СОЛИҚЛАР ВА ЙИГИМЛАР СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджетни тўғрисида»ги ҚҚ-399-II-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетни параметрлари тўғрисида»ги ҚҚ-2099-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й.,

9-сон, 320-модда;) мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тошкент шаҳри бўйича 2014 йил учун маҳаллий солиқлар ва йигимлар ставкалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тошкент шаҳар Давлат солиқ бoшқармаси, Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти ва туман ҳокимликлари 2014 йил маҳаллий солиқлар ва йигимлар ставкаларини солиқ тўловлар эътиборига етказилиши ва ижро этилишини таъминлаш топширилсин.

3. Мазкур қарор «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ф.Зияев зиммасига юклансин.

**Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгаши раиси
Р.Усманов**

2013 йил 28 декабрь

• Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Toshkent.uz сайтида таништириш мумкин.

Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида

БАЙРАМНИ ЎЗБЕКОНА САМИМИЯТ ВА ТОТУВЛИК МУҲИТИДА НИШОНЛАШ — КАТТА БАХТ

**Янги йил байрами арафасида
пойтахтимиз кўчалари, сайилгоҳ ва
боғларида кўплаб хорижлик
сайёҳларни учратиш мумкин. ЎЗА
мухбири улардан айримларининг
таассуротлари билан қизиқди.**

Боджинг ХУАН (Хитой):

– Ўзбекистонга бундан саккиз йил муқаддам келган эдим. Бу вақт мобайнида мамлакатингиз, хусусан, Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.

Ўзбекистонда Янги йил байрамини кўтаринки руҳда ўтказиш учун катта тараддуд кўрилганининг гувоҳи бўлдим. Айниқса, Мустақиллик майдонидаги гўзал манзара менда унутилмас таассурот қолдирди. Бу ерда намойиш этилаётган байрам томошалари нафақат кичкин-тойларга, балки катталарга ҳам бирдек ҳуш ёқмоқда.

Мейнхард ДЕЛЬБРЮК (Германия):

– Самолётдан тушишим билан оппоқ қорга бурканган Тошкентни кўриб, баҳри дилим очилиб кетди. Пойтахтинингизнинг қаерига бормай, у ҳоҳ меҳмонхона бўлсин, ҳоҳ савдо маркази ёки ресторани, ҳамма жойда байрам шукҳуни, катта шод-хуррамликни кўряпман. Ранг-баранг ўйинчоқлар билан безатилган арчалар, кўзни қамаштирувчи турфа чироқлар ва антиқа декорациялар, сайилгоҳ ва боғларда намойиш этилаётган байрам дастурлари Янги йил олдида барчанинг қалбига кўтаринкилик бахш этмоқда.

Виен КВАК (Жанубий Корея):

– Тошкент оиламиз билан келганимизга уч йил бўлди. Шу вақт мобайнида Ўзбекистон бизга жуда қадрдон бўлиб қолди. Барча учун бирдек сеvimли Янги йилни ўзбек дўстларимиз билан биргаликда кўтиб олиш оиламиз учун урфга айланди.

Ўзбекистоннинг кўркам ва қадимий шаҳарлари бугун жаҳон сайёҳларини ўзига оҳанрабодай қорламоқда. Юртингиздаги тарихий ёдгорликлар ва замонавий шаҳарлари томоша қилиш, халқингизнинг ранг-баранг маданияти ва аъёнлари билан танишиш ҳамда бу мафтункор заминнинг ҳушманзара ва сержило табиати фусункорлигидан баҳра олиш кишига бекйёс завқ бағишлайди.

Анетта ЭСКОЛА хоним (Эстония):

– Ўзбекистонга сайёҳатим айна Янги йил байрами арафасига тўғри келганидан жуда хурсандман. Ушбу айёмни Ўзбекиона самимий, меҳмондўстлик ва тотувлик муҳитида нишонлаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Сафарим давомида юртингизнинг қадимий ва навқирон шаҳарларидан бири – Хивада бўлиш, унинг бетакор тарихий обидаларини ўз кўзим билан кўриш бахти менга «Ўзбекистонга келганимиздан жуда хурсандман» деб айтилган «хурсандия» бўлди. Ўзбекистоннинг дурдона обидалари, осори-атикалари, тарихий қадимжолари ва ўзига хос гўзал аъёнлари, жаҳондаги қадимий цивилизация ўноқлари билан тенгма-тенг беллаша оладиган кўна маданияти сайёҳликни ривожлантириш учун улкан имкониятдир.

Адрастус МАРИНАТОС (Греция):

– Мамлакатингизга ўн икки йил аввал келган эдим. Ўшандан буён Ўзбекистонда амалга оширилган улкан ўзгаришлар мени ҳайратга солди. Юртингизда фуқароларнинг тинч, осуда, фаровон ва бахтли яшаши учун қатъий ишлар амалга оширилаётгани, ҳар қандай одамнинг ҳавасини тортиди. Рафқам ва набарам билан янги – 2014 йилни Ўзбекистонда кўтиб олаётганимиздан қувончимиз чексиз. Набирамга ҳамроҳ бўлиб, пойтахтингиз сайилгоҳлари, боғу майдонларини сайр қилиб, бу ердаги байрам тантаналарини томоша қилиб, ўзим ҳам гўё мурғак боладек олам-олам завқ оляпман.

Янги йил Ўзбекистондаги ҳар бир оилага улкан бахт ва омад, энг асосийси, хотирjamлик ва барака олиб келишини чин дилдан тилайман.

**Ирода УМАРОВА
ёзиб олди**

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЙЎЛИДА

**Пойтахтимизда Ўзбекистон мустақил
босма ОАВ ва ахборот агентликлари
қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш
жамоат фонди томонидан
Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро
жамоатчилик маркази ва ЕХХТнинг
Ўзбекистондаги лойиҳалари
координатори ҳамкорлигида
«Ўзбекистон ОАВ ва ахборот хизматлари
салоҳиятини янада ошириш масалалари»
лоийҳаси доирасида семинар-тренинг
ташkil этилди.**

Тадбирни ўтказишдан мақсад очкилик, ҳолислик, воқеликни ўз вақтида ёритиш ва таҳлил қилиш, шунингдек, журналистлар томонидан материаллар тайёрлашда ички цензурага йўл қўймаслик каби масалалар бўйича ҳуқуқий билимларини ошириш ва халқаро тажрибани ўрганиш ҳамда ОАВ ва ахборот агентликлари ходимларининг профессионаллик даражасини янада оширишдан иборатдир.

Амалга оширилаётган мазкур лойиҳа доирасида соҳа мутахассислари икки кун мобайнида амалий семинарларда иштирокчиларга миллий ва хорижий журналистика соҳасида ОАВ тахриратлари фаолиятига маркетинг-менеджментни татбиқ этиш, SWOT-таҳлил, медиа-ҳамжамиятининг ўзини ўзи бошқариш, тахриратлар томонидан одоб-ахлоқ нормаларига риоя этиш каби масалалар юзасидан маълумотлар берилди.

Тренинг давомида у ёки бу жараёнларни ёритишда муҳаррирларнинг позицияси борасида ҳам алоҳида тақдиротлар бўлиб ўтди. Семинар-тренинг интерфаол тарзда ўтказилиб, унда иштирокчилар ва экспертлар томонидан миллий медиа-соҳа фаолиятидаги долзарб масалалар муҳокама этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Тошкент шаҳридаги Мустақиллик майдонида давом этаётган Янги йил байрами тантаналари қордек оппоқ тилакларимиз, покиза орзу-ниятларимиз, болаларнинг беғубор, шодон кайфиятига ҳамоҳангдир.

Мамлакатимизда инсон омилига устувор аҳамият қаратиш, миллати, эътиқоди, ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсадидир. Жонажон Ватанимизнинг ижтимоий барқарорлигини таъминлаш, иқтисодий, таълим-тарбия, маънавият ва маърифат, соғлиқни сақлаш, илм-фан каби соҳаларда эришилган улкан ютуқ ва марралар, энг асосийси, жамиятимиздаги ўзаро аҳиллик, тотувлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик муҳити халқаро миқёсда алоҳида эътироф этилиб, юксак баҳоланмоқда.

2013 йил мустақил Ўзбекистонимиз тарихи зарварақларида мухташам иншоотлар, ишлаб чиқариш корхоналари, мактаблар, шифо масканлари, маърифат ва санъат масканлари қад ростлаган баракали йил сифатида муҳрланиб қолиши шубҳасиз. Эшик қоқайтган 2014 йил эса халқимизнинг азалий мақсад-муддаоларига ҳамоҳанг тарзда Соғлом бола йили, деб номланиши эзгу интилишларимизнинг ўзига хос мантикий давомидир.

Янги йил байрами арафасида мамлакатимизнинг энг муътабар майдонида барпо этилган муъжаз шаҳарчада ушбу жиҳатлар ўзининг ёрқин ифодасини топди. Майдонга кириб келган киши ўзини гўё эртақмонанд гўшага тушиб қолгандек ҳис этади. Бу ерда қад ростлаган улкан арча, айниқса, кичикинтойларга катта завқ-шавқ улашмоқда.

Байрамни юксак савияда, баланд руҳда ўтказиш, юртдошларимиз, хорижий сайёҳлар, энг асосийси, болаларга ҳуш кайфият улаштириш мақсадида турли маданий-маърифий, кўнгилочар томошаларни ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбекнаво» эстрада, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқа қатор ташкилотларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Улкан саҳнада Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси актёрлари иштирокидаги «Қорбобога мактуб ёки қўтилмаган меҳмонлар» театрлаштирилган томоша намойиш этилмоқда. Майдонга ўрнатилган икки улкан экраннинг бирида 2013 йил – Обод турмуш йилида жамиятимиз ҳаётининг турли жабҳаларида амалга оширилган беқиёс ўзгаришлар, бунёдкорлик, одимлар, гўзал шаҳар ва қишлоқларимиз, ёш авлод келажаги йўлида кўрсатилаётган юксак меҳр-



Аъло Абдуллаев (ЎА) олган сурат

этибор намойиш этилса, бошқасида юртимиз аниматорлари томонидан ишланган мультфильмлар, майдонда ўтаётган байрам тадбирларини томоша қилиш мумкин.

– Янги йил байрами арафасида Мустақиллик майдонини зиёрат қилишни одатга айлантирганмиз, – дейди самарқандлик пенсионер Ойсара Исмоилова. – Майдондаги безаклар, бири-биридан қизиқарли томошалар, болаларнинг ўйинга тўймай шодланаётганини кўриб, мустақил юртимиз фарзандларига ҳавасим келди. Истиклол фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган, қалби гурур ва ифтихорга тўла, билимли, юксак маънавиятли, соғлом ва теран тафаккурли авлод этиб тарбиялаш имконини берди. 2013 йил биз учун ҳам қўтлуғ келди. Неварам олий ўқув юрти талабаси бўлди. Ўғлим ёш оилаларга яратилган интибозлар самарасида янги уй-жой харид қилди. Буларнинг барчаси Юртбошимиз томонидан ёшларга, оилаларга кўрсатилаётган улкан ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир.

– Мен ўртоқларим билан майдондаги аттракционларда мириқиб ўйнадим, – дейди Тошкент шаҳридаги Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб интернатининг 6-синф ўқувчиси Севинч Содикова. – Театрлаштирилган томошалар, концертлар, цирк устalarининг чиқишлари барча сингари менга ҳам жуда манзур бўлди. Бу ерда биз – болаларнинг Янги йил байрами тантаналарини байрамона руҳда, таътилни мазмунли ўтказиш учун ҳамма шароит яратилган.

Муаззам майдонда куй қўшиққа уланади. Айни пайтда пойтахтимизнинг бошқа майдонларида ҳам Янги йил байрами томошалари давом этмоқда.

**Назозат Усмонова,
ЎЗА муҳбири**

Шу кунларда юртимизнинг барча гўшаларида Янги йил байрами тантаналари бўлиб ўтмоқда. Шаҳару қишлоқларнинг марказларида арчалар безатилиб, Қорбобо ва Қорқиз иштирокида турли томошалар ҳамда концерт дастурлари намойиш этилмоқда. Пойтахтимиздаги маданият саройлари, театрлар, концерт заллари ва бошқа томошахўларда ҳам байрам тадбирлари давом этмоқда.

Байрам шукуҳи

БОЛАЖОНЛАР УЧУН ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАСИ

Худди шундай байрам тантаналари Ички ишлар вазирлиги маданият саройида ҳам 20 декабрдан буён давом этиб келмоқда. Бу ерда болажонларга «Астерикс ва Обеликснинг янги йил саргузаштлари» номли театрлаштирилган шоу намойиш этилмоқда.

– Байрам тадбирларимизга биринчи галда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини тақлиф қилиш, – дейди Маданият саройи раҳбари, подполковник Бернара Содикова. – 26 декабрдан 30 декабргача эса Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти ички ишлар органларида хизмат қилган ва ҳозирда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг фарзандлари томошага келишиди. Болажонлар байрамни хурсандчилик билан ўтказишлари учун театрлаштирилган томошадан ташқари янги йил ўйинлари, қизиқарли викториналар ва кўнгилочар рақслар ташкил этганмиз. Уйлайманки, саройимизга келган болажонлар мириқиб дам олиб қайтишад.

Дарҳақиқат, Ички ишлар вазирлиги маданият саройи болажонларнинг сеvimли масканига айланган қолган. Бу масканда 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар ўндан ортқ тўғрақларда ўзларининг билим ва маҳоратларини ошириб келмоқда. Мустақиллик, Наврўз, Янги йил ва бошқа байрамлари улар катта қизиқиш ва хурсандчилик билан ўтказишад. Болажонларнинг юз-қўзидаги қувончу шодлик мустақил Ўзбекистон фарзандлари эканлигидан мамнулигини англатиб турибди.

Байрам тантаналари 8 январга қадар давом этади.

Абдуалим САЛИМОВ

2014 йил — Соғлом бола йили

ЯНГИ КУН ФАРЗАНДИСАН

Бола эдим.

Бир куни кўшимизнинг ҳовлиси томондан қўшиққа ўхшаш майин товуш эшитилди. Девор оша мўраладим. Зулфизар ая тол шоҳиди беланчаки тебратиб гўдагини аллаларди:

*Хазон тўқмас боғимсан, аллаё
Таянганда тоғимсан, аллаё.
Суюқли бўл, ўқтам бўл, аллаё
Алломишдай ўғлон бўл, аллаё...*

Кечкурун отам ишдан келишлари билан шоша-пиша сўрадим:

– Алломиш ким бўлган?

– Етти ёшда бобосидан қолган ўн тўрт ботмонли парли ёйни тортиб, қўйиб

юборганида, ёйининг ўқи яшиндай бўлиб, Аскартоғнинг каттақон чўққиларини олиб ўтган. Шунда халойиқ бу болага тўқсон алпнинг бири – Алломиш деб таъриф берибди. У кучли, довирак бўлиб вояга етган, – деди отам.

Йиллар ўтган тушундим. Оналар фарзандларига бир инсон умридан ҳам икки-уч хисса кўпроқ умр тилашаркан. Шу боис бешик тебратиб «хазон тўқмас боғимсан» деб қўйлашади.

Улғайган онасига, хонадон ва маҳалласига таянч бўлган ўғлон улкан тоғ мисол она Ватанини ҳам суйди. Бундай ўқтам йигит элга суюкли ва иззатлидир.

МЕҲРДАН КУЧ ОЛУРЛАР

Қашқадарёга хизмат сафаримиз чоғида ҳаяжонли бир воқеа бўлди.

Китоб тумани ҳудудида жойлашган Гўдақлар уйи кўркам бинога қўйрилган, аниқроғи бу қўй қаватли бино ҳомийлар мадади билан буткул янгидан жиҳозланганди. Юқори малакали саломатлик посбонлари хизматга шай туришибди. Қарангки, тўрт ёшгача бўлган болалар тарбияланаётган ушбу масканда кичкинтойларнинг қўшиқ дастаси ҳам ташкил этилган экан.

– Бинонинг очилиши тантанасида қатнашганимда Гўдақлар уйи кичкинтойларининг Ватан ҳақидаги қўшиқларини эшитиб беихтиёр кўзларимга ёш келди, ҳатто кўнглимдан ўйганларини шеър билан эълим. – дейди ҳомийлардан бири, Қашқар туман тиббиёт бirlашмаси раҳбари Ҳолиёр Ҳолиёв. Бош шифокор чўнтагидан қорғоз чиқариб, унда ёзилганларни бизга ўқиб берди:

*Бийрон тилларида озод –
Ватан мадҳи жаранглайди.
Бари шодон: кўзларида,
Қалбларида нур порлайди.*

*Ўзбекистон бағри кенгдир,
Фарзанди хор бўлмағай ҳеч.
Ҳар ўғил-қиз бу масканда
Меҳрза зор бўлмағай ҳеч!*

Мурғак болаларнинг юрт ҳақида қўшиқ қўйлашлари бежизга эмас. Негаки ўзларига кўрсатилаётган меҳр гоҳ пардек қанотларга айланиб уларни эрқалаб яйратади, гоҳ темир қалқон каби жамики офатлардан асраб туради. Ватан меҳри мурғак гўдақларнинг вужудига қувват, қалбларига ҳарорат, руҳиятига мадад беради.

ОИЛА — МУҚАДДАС ГЎША

Ота фарзандларига туғилган кунларида ва байрамларда ҳаммиша китоб совға қиларди. Ўғил-қизларининг ҳар бирига «Бекор ўтирма, дарсингни қил, спорт тўғрагига бор, бошингда илми, билагингда кучни кўпайтир, шунда юртга керакли одам бўласан» деяверарди.

Янги давр кишилари миллат тараққиётининг жадаллашиши учун фарзандларнинг ҳар томонлама камол топишини шарт деб биладилар. Ҳам жисман, ҳам маънан соғломлик тарбиянинг энг муҳим қисми. Аслида фарзандларни руҳан ва жисман соғлом қилиб вояга етказиш осон

кечмайди. Оилада соғлом муҳит яратилиши, ота-она, тарбиячи, психолог, педагог, ҳатто маҳаллалар ҳамкорлигини йўлга қўйиш орқали бунга эришиш мумкин.

Бола баркамол улғайиши учун аввало ҳажжи Ватани – оила меҳридан қувват олмоғи керак. Атрофида қўллаб-қувватловчилари қанчалик кўп бўлса, у ўзини шўнчалик бахтли ҳис қилади. Зеро фарзандлар бахтиёр экан, бизнинг ҳам ҳаётимиз нурга тўлиб бораверади.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

Ватанга хизмат — муқаддас бурч

ШУНҚОРЛАРИ ОР-НОМУСЛИ ВА МАРД БЎЛАР

Тилимизда «Шунқор» деган сўз бор. Муомалада кўп ишлатмасак ҳам, унинг «полвон», «ботир», «баҳодир» каби қаломлар билан маънодош эканини яхши биламиз. Қишлоғимизда одамларнинг исмига «полвон» сўзини қўшиб айтиш одати бор. Ёки кўпинча кичкина болаларнинг бошини силаб, «ҳа, полвон», «полвон йигит» дейишга ўрганишган.

Тўғри, бу билан ҳамма болалар ҳам полвон бўлиб етишмаган. Лекин мард, жасур, қатъиятли фарзандлар кўп қишлоғимизда. Ҳамма гап ниятда-да. Полвон деган билан полвон бўлмас-да мард бўлади, жўмард бўлади. Шу номга муносиб бўлади. Қорғозга шу фикрларни туширар эканман, ўйланиб қолдим. Миллат болаларини «полвонга» қўшиб, «шунқорим», «шунқор ўғлим» деб эрқаласак-чи. Табиийки, уларда ор-номус, гурур, мардлик каби юксак фазилатларни шакллантирган бўламиз.

Тўғри, «Шунқор» сўзи тилга олинганда аввало, лочинсимонлар оиласига мансуб қўш ҳайлдан ўтади. Инсонга нисбат бериб айтилганда эса юқорида таъкидланганидек, мардлик, жасоратга ишора бор. Нақриққача бўлган ёшлар ўртасида ўтказиладиган ҳарбий-спорт ўйинларига «Шунқорлар» деб ном берилганидан кейин бу сўз, бу тушунча янгича мазмун билан бойиди. Бугун «Шунқорлар» деганда ҳарбийлик касбига қўшиққан, жисмонан тобланган, юраги мардлик, шижоат туйғулари билан уриб турган ёшлар кўз олдимизга келади. Ҳаётнинг ўзи қўрсатиб турибди: эзгу мақсадлар йўлида ёшларимизнинг парвозлари лочинлардан ҳам юксак бўлмоқда.

СПОРТ БАЙРАМИ

Кўп бора «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақаларини кузатганман. Уларнинг иштирокчилари билан суҳбатлашганман. Хулосам шундай бўлган: ҳам маънан, ҳам жисмонан шаклланган ёшлар бу мусобақада иштирок этишга лойиқ. Президентимиз раҳнамолигида баркамол авлод тарбияси йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларимиз самарасини биргича мазкур мусобақа мисолида ҳам кўриш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, «Шунқорлар»дан кўзланган мақсад фарзандлар қалбига ватанпарварлик, мардлик, жасорат туйғулари йўғотиш, уларни миллий истиклол мафкураси руҳида камол топтириш, миллий армиямиз сафарига тайёрашдек устуворликлардир.

Қувон билан айта оламизки, бугун бу улғув мақсад эса самарасини бермоқда. «Камолот» ёшлар ихтисомий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Мудофаса, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Мудофасага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши мусобақага асос солган давлат ва жамоат ташкилотлари ҳисобланишди. Кейинчалик бу акцияни Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳам қўллаб-қувватлаганини яхши биламиз. Йилдан-йилга мазкур ҳарбий-спорт мусобақасига қўшиқиб, эътибор ортипти.

Мусобақа ташкилий қўмитаси, унинг кўтаринки руҳда ўтиши учун, алоҳида эътибор қаратиб келимиз. Агар мусобақа тарихига назар ташласак, «Шунқорлар» аста-секин ўз байроғи, мадҳияси, рамзи, кубогига эга бўлганлигини кўрамиз. 2003 йилдан мазкур мусобақа учун медаллар таъсис этилди. 2013 йилда мусобақа мамлакатимиздаги 50 мингга яқин ёшлар эзгу мақсад йўлида бирлаштирди. Шунинг ўзи ҳам «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларининг ўзига хос спорт байрамига, спорт ҳаракатига айлانганидан далolat.

БУТУН ШУНҚОР — ЭРТАГА ПОСБОН

Тўхтасин Арслонов бир неча йил бевосита мазкур мусобақанинг ташкилий жиҳатлари билан шуғулланган. «Кейинги пайтларда мусобақанинг нафакат финал, балки вилоят босқичлари ҳам ҳарбий қисм ёки олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлиб ўтпти. Демак, ўқувчи – бўлгуси Ватан посбони мусобақа туйғули ҳарбийча ҳаёт билан, ҳарбийларимизга яратилаётган шарт-шароитлар билан танишмоқда. Армия ҳақидаги тасаввурлари кенгаймоқда. Шундан ҳам билиш мумкинки, мусобақанинг ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ўрни катта», деган эди, у.

Жиззахлик Бекназар Қизилбоев «Шунқорлар» ҳарбий спорт ўйинларининг жорий йилги мусобақасида бронза медалига сазовор бўлди. «Келажақда ҳарбийлик касбини танлашни ният қилганман. Мусобақа давомида умумҳарбий тайёргарликлар бўйича кўп нарсани ўргандим. Айниқса, беллашувларнинг финал қисмида ҳарбийча тартиб асосида яшаганимиз, машқларни бажарганимиз ҳеч эсимдан чиқмайди».

«Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларида фаол иштирок этиб, голиб, совриндор бўлган йигитлар орасида офицер бўлганлари, ҳарбий билим юртларида тахсил олаётганлари ҳам эмас. Масалан, мазкур спорт ўйинларига асос солинганнинг бешинчи йиллидаёқ мусобақа ташкилотчилардан олинган маълумотлар 200 га яқин йигитнинг – «Шунқорлар» иштирокчиларининг офицерлиқни танлашгани, олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришганини кўрсатди. «Шунқорлар» сабаб ҳарбийликка меҳри ортган йигит бугун офицер, курсант, сержант, аскар ёки бўлмаса ҳаётини мардлар касбига боғлашга чоғланган.

ЎН ОЛТИ ДОВОН

Хулоса қилиб айтadиган бўлсак, «Шунқорлар» ёшларимизнинг шўнчаки бўш вақтини қўнғилиги ўтказиш учун йўлаб топилган мусобақа эмас. У келажагимиз эгаларини янги марралар сари қорловчи, соғлом турмуш тарзига йўналтирувчи, энг муҳими Ватан ҳимоясини деган шарафли ишга тайёрловчи ўзига хос ҳаракатлар. Мустақиллик ёшларимизга берган улкан имкониятлар ҳусусида сўз кетганда, 16 доводини ортда қолдирган, неча неча юз минглаб ёшларни улкан мақсадлар сари руҳлантирган «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақаларини алоҳида тилга олиб ўтмасдан бўлмайди.

Подполковник Алижон САФАРОВ



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

эсади. Ҳарорат кечаси — 6-8 даража совуқ, кундузи — 2-4 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг муниторинг хизмати маъ-

Тошкент шаҳрида 1 январь 1 январь кунини ҳаво ўзгариб туради, ёнғини ҳаво бўлмайди. Кечаси ва эрта-лаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундыга 3-8 метр тезликда шамолат таъмиқдори наст бўлади.

(Газетанинг навбатдаги сони 3 январда чиқади)

2014 йил — соғлом бола йили



Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур



Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь
Д С Ч П Ж Ш Я	Д С Ч П Ж Ш Я	Д С Ч П Ж Ш Я	Д С Ч П Ж Ш Я	Д С Ч П Ж Ш Я	Д С Ч П Ж Ш Я
6 7 8 9 10 11 12	3 4 5 6 7 8 9	3 4 5 6 7 8 9	1 2 3 4 5 6	1 2 3 4	2 3 4 5 6 7 8
13 14 15 16 17 18 19	10 11 12 13 14 15 16	10 11 12 13 14 15 16	7 8 9 10 11 12 13	5 6 7 8 9 10 11	9 10 11 12 13 14 15
20 21 22 23 24 25 26	17 18 19 20 21 22 23	17 18 19 20 21 22 23	14 15 16 17 18 19 20	12 13 14 15 16 17 18	16 17 18 19 20 21 22
27 28 29 30 31	24 25 26 27 28	24 25 26 27 28 29 30	21 22 23 24 25 26 27	19 20 21 22 23 24 25	23 24 25 26 27 28 29
		31	28 29 30	26 27 28 29 30 31	30

Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
Д С Ч П Ж Ш Я	Д С Ч П Ж Ш Я	Д С Ч П Ж Ш Я	Д С Ч П Ж Ш Я	Д С Ч П Ж Ш Я	Д С Ч П Ж Ш Я
1 2 3 4 5 6	1 2 3	1 2 3 4 5 6 7	1 2 3 4 5	1 2	1 2 3 4 5 6 7
7 8 9 10 11 12 13	4 5 6 7 8 9 10	8 9 10 11 12 13 14	6 7 8 9 10 11 12	3 4 5 6 7 8 9	8 9 10 11 12 13 14
14 15 16 17 18 19 20	11 12 13 14 15 16 17	15 16 17 18 19 20 21	13 14 15 16 17 18 19	10 11 12 13 14 15 16	15 16 17 18 19 20 21
21 22 23 24 25 26 27	18 19 20 21 22 23 24	22 23 24 25 26 27 28	20 21 22 23 24 25 26	17 18 19 20 21 22 23	22 23 24 25 26 27 28
28 29 30 31	25 26 27 28 29 30 31	29 30	27 28 29 30 31	24 25 26 27 28 29 30	29 30 31

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ АСОСИЙ ХИЗМАТЛАРИ

- Ёнғин хавфсизлиги хизмати — 101
 - Милиция — 102
 - Тез ёрдам — 103
 - «Тошгаз» авария хизмати — 104
 - Қутқарув хизмати — 1050
 - Темир йўл бошқармасининг маълумотномаси — 1005
 - «Тошшаҳарйўловчитранс» такси буюртмаси — 1062
 - «Сувсоз» ДУК — 1054
 - Дорихоналар бўйича марказий маълумотнома — 1069
 - Шаҳарлараро сўзлашувлар учун буюртмалар — 200-01-54, 233-69-95
 - Ташкилотларнинг телефонлари маълумотномаси — 109
 - Об-ҳаво — 1001
 - Хонадонларнинг маълумотномаси — 1009
 - Шаҳар телефон тармоғи иши бўйича кечаю кундуз маълумотномаси — 1064
 - Фуқаролик хизмати бошқармаси — 235-81-75
 - «Тошкент» автовокзали — 279-39-15
- ### ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ХИЗМАТИ
- Марказий алоқа тармоғи — 1086, 235-04-25, 235-09-10
 - Олмазор алоқа тармоғи — 229-04-25, 229-09-10
 - Миробод алоқа тармоғи — 255-04-25, 255-09-10
 - Мирзо Улуғбек алоқа тармоғи — 262-04-25, 262-09-10
 - Чилонзор алоқа тармоғи — 277-04-25, 277-09-10
 - Янгиобод алоқа тармоғи — 297-04-25, 297-09-10

ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ, СЎРАНГ, БИЛИБ ОЛИНГ

МАРКАЗИЙ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

- Ичимлик суви тармоқлари — 252-60-08, 252-55-78
- Шаҳар оқова сув тармоқлари — 235-40-11, 235-62-20
- Шаҳар электр тармоқлари — 233-77-53, 233-78-46
- Иссиқлик тармоқлари — 255-09-26, 227-08-35

«ТОШГАЗ» БОШҚАРМАСИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

- Марказий авария-диспетчерлик хизмати — 255-44-27
- Учтепа — 274-44-34
- Бектемир — 295-14-43, 295-16-90
- Миробод — 254-15-61
- Мирзо Улуғбек — 267-46-24
- Олмазор — 248-35-48, 144-89-08, 144-89-09
- Сергели — 258-84-33
- Ҳамза — 296-39-61
- Чилонзор — 278-19-23
- Шайхонтоҳур — 242-39-26
- Юнусобод — 212-25-52
- Яккасарой — 255-49-59

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

- «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» ОАЖ — 233-75-79
- Бектемир туман электр тармоғи — 295-10-62
- Миробод туман электр тармоғи — 291-15-92
- Мирзо Улуғбек туман электр тармоғи — 267-58-15, 267-58-24

- Сергели туман электр тармоғи — 258-38-60, 258-68-81
- Олмазор туман электр тармоғи — 242-46-95
- Учтепа туман электр тармоғи — 274-14-81, 274-20-16
- Шайхонтоҳур туман электр тармоғи — 278-87-11
- Ҳамза туман электр тармоғи — 291-87-83
- Чилонзор туман электр тармоғи — 277-19-72, 277-24-52
- Юнусобод туман электр тармоғи — 225-00-65
- Яккасарой туман электр тармоғи — 250-19-67, 250-99-81

ТУМАН ҲОКИМЛИКЛАРИ ҚАБУЛХОНАЛАРИ

- Учтепа — 274-19-23
- Бектемир — 295-02-40
- Миробод — 233-29-86
- Мирзо Улуғбек — 268-94-04
- Олмазор — 227-17-93
- Сергели — 257-91-11
- Ҳамза — 283-33-32
- Чилонзор — 276-94-24
- Шайхонтоҳур — 241-26-66
- Юнусобод — 237-61-41
- Яккасарой — 255-74-49

ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМЛАРИ

- Учтепа — 272-80-79
- Бектемир — 295-02-39
- Миробод — 293-18-95
- Мирзо Улуғбек — 267-33-50 (62)
- Олмазор — 246-09-90
- Сергели — 258-02-42
- Ҳамза — 296-06-30
- Чилонзор — 278-58-40

- Шайхонтоҳур — 288-31-90
- Юнусобод — 235-00-02
- Яккасарой — 255-94-96
- Шаҳар ИИББ ишонч телефони — 232-03-30

ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИ

- «103» бўйича навбатчилар — 236-73-32
- Олмазор 2-болалар ва катталар — 248-46-77
- Шайхонтоҳур 1-катталар ва болалар — 243-26-68, 243-07-34
- Учтепа 4-катталар ва болалар — 275-46-99
- Мирзо Улуғбек 5-катталар ва болалар — 266-44-27
- Юнусобод 6-болалар ва катталар — 212-45-11
- Ҳамза 3-катталар ва болалар — 297-77-79, 297-64-24
- Яккасарой 10-катталар — 255-85-54
- Сергели 8-болалар ва катталар — 258-36-85, 258-70-76
- Чилонзор 9-катталар — 277-38-03 (04)
- Миробод 7-катталар — 290-70-03 (01)

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТАСАРРУФИДАГИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ

- Тошкент шаҳар бошқармаси — 250-79-96
- Учтепа — 272-21-66
- Бектемир — 295-47-44
- Миробод — 256-54-96
- Мирзо Улуғбек — 269-14-60
- Олмазор — 246-90-17
- Сергели — 258-39-35
- Ҳамза — 297-58-17
- Чилонзор — 277-87-10
- Шайхонтоҳур — 227-50-59
- Юнусобод — 235-52-04
- Яккасарой — 250-85-31, 250-85-36

МЕҲМОНХОНАЛАР

- «Интерконтиненталь-Тошкент» — 120-70-00
- «City palace» — 238-30-00
- «Ўзбекистон» — 113-11-11